



## БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Узақова АзизахонХасанбоевна**  
**Халиқова Хумора Атитиллаевна**  
**Солижоновна Дилором Абдусалом қизи**  
**Зокирова Наргиза Акбаржоновна**

*Андижон давлат педагогика институти магистрантлари,*  
**Запаров Абдуқаххор Абдумаликович**  
*профессор.*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада бўлажак технологик таълим фани ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятини тубдан ислох қилиш ва касбий компетентлигини ошириш, уларга қўйилган талаблар, ўқувчиларнинг технологик билим ва кўникмаларнинг шакллантиришда мосламаларнинг ўрни ҳақида тушунчалар берилган. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, технологик таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини модернизациялаш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини шакллантиришнинг асосий мақсадини белгилайди.*

**Калит сўзлар:** *педагог, компетенция, компетентлик, билим, кўникма, малака, қобилият, интеграция, модернизация, психологик-педагогик, механизм, коммуникатив, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, мосламалар.*

Мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати ҳақида тушунчаларни шакллантириш имконини берувчи технологияларнинг ўрни, моҳияти, унда ўқувчиларни ўрганаётган ҳар бир техник операциялар (меҳнат ҳаракатларини ўзлаштириши, асбобларнинг имкониятлари, тузалишини ўрганиш, технологик операцияларни бажаришни билиб олиш ва ҳоказаларга эътибор бериш) муҳим аҳамитга эга.

Булар назарий ва амалий жиҳатдан технологик таълим нуқтаи-назардан ўқувчиларнинг буюмларни режалаш, эговлаш, қирқиш, пармалаш ва шунга ўхшаган технологик операциялар орқали буюмларни тайёрлашда Технология фани мазмуни асбоблар, мосламалар ва бошқа қўшимча жихозлар билан бойитилади.

Шунингдек ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатига, ижтимоий меҳнат муносабатлари тизимида фаол технология орқали кириб боришларига амалий ёрдам беради, ҳамда уларга ҳар хал меҳнат кўникмалари бериши лозим. Бу борада ўқувчиларни меҳнати мақсадга мувофиқ, чинаккам ҳаётий эҳтиёжлар билан боғлиқ, жамият ва оила учун фойдали бўлиши, билим ва қувониш манбаи бўлиб чиқиши



ЛОЗИМ.

Психологларнинг тадқиқотлари билан аниқланганки, технология орқали ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш уларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўқувчиларнинг мустақилликларини ривожлантириш, уларнинг маъсулиятлари даражасини ошириш, ижтимоий фаолликларини ишга солиш ва фаоллаштириш учун уларни катталар билан бир қаторда ижтимоий фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш иш нормаларини, иш жойи, ишхона режасини бажариш каби ишларга жалб қилиш лозим.

Ўқувчиларимизнинг меҳнат фаолияти мотивлари ўзгаришини тадқиқ қилишда олинган натижаларни таҳлил қилиш кўрсатдики, меҳнат фаолияти шакллари ва мазмуни, унинг технологик усуллари, болалар жамоасидаги ўзаро муносабатлари шакиллари аста-секин ёш ўсиши билан) мураккаблашиб бориши зарур. Ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш мустақиллик, ижодий ташаббус, жамоада меҳнат қилиш сифатларини ҳосил қилиб, ўқувчининг обрўсини оширади.

Шунингдек ҳар бир ўқувчи маълум ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ва шахснинг ҳар тамонлама ривожланишига ёрдам берувчи изчил, ўлчовларга эга бўлмаган ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиши лозим. Бу меҳнатнинг турлар мактаб тамонидан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, мактаб атрофини ободонлаштириш, мебель ўқув-кўргазма қуролларини таъмирлаш эҳтиёжларини ҳамда оталиқ корхоналар, маҳаллий ҳимият идораларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Экологик тарбия бу борада, ўқувчиларнинг бажараётган ишларининг технологик операцияларида ўзига хос асбоблар, технологик операцияларни бажарилиши маълум вақт билан ўлчанади. Шу билан бирга экология таълим ва тарбиясида ҳам технология мақсадларида “вақт” ўлчами мавжуд. Унда ўқувчиларнинг табиатни асраб-авайлаш фаолиятларига алоҳида эътибор берилади, чунки ҳар бир фаолиятда маълум даражада вақт сарфланади ҳамда эҳтиёж қийматига эга бўлган, корхоналар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ширкатлар, мактаблар ва бошқа муассасалар ва шу кабиларнинг ижтимоий-эҳтиёжлари қондириш учун зарур бўлган моддий ва бошқа қийматлар яратишга қаратилган ва ўқувчилар шахсининг ҳар томонлама ривожланиши мақсадларида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш меҳнатига ўқувчиларнинг фақат Технология жараёнида жалб қилиш билан чекланмасдан, ишлаб чиқариш меҳнати учун ҳафтасига I-IV синфларда 2 соатдан, V-VII синфларда 4 соатдан ва VIII- IX синфларда 6 соатдан ажратиш зарур. Унда мазкур соатлар замида ташкил этилган Технология таълими ихтисослаштирилган ёки чуқур ўзлаштириш мавқени эгаллаган ҳисобланади.

Технология таълимида ишлаб чиқариш унумли меҳнати асосий ўрин эгаллаши: V-VII синфларда -10, VII-VIII синфларда-16, IX синфда-20 кун бўлиши керак. Бошланғич синф ўқувчиларининг ишлаб чиқариш меҳнати учун шаройит яратилган мактабларда бунинг учун II-IV синфларда ҳафтасига 1 соат сақланиши керак. Бу борада шуни ҳам инобатга олиш зарурки, қайд этилган



технологик операцияларда белгиланган вақт, иш объектлар, тайёрланадиган маълумотлар жароёнида ўқувчилар бажараётган иш мобойнида қўллайдиган асбоб ускуналар станоклар негизида, уларга ёрдам, қўллайлик ҳамда тайёрлаётган буюмлар сифатини яхшилаш мақсадига биноан турли шаклли мосламалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Мосламалар ҳар бир ихтисослаштирилган меҳнатда турлича: масалан: ёғочга ишлов бериш технологиясидаги мосламалар (ўлчаш, қирқиш, арралаш, рандалаш, ва бошқа технологик жараёнда қўлланадиган мосламалар); металлга ишлов бериш технологиясидаги мосламалар; газламага ишлов берадиган мосламалар; пазандачиликка хос технологиядаги мосламалар;

Технология ва дизайнга хос мосламалар; миллий хунармандчилик касбларнинг технологияларида қўлланиладиган мосламалар, шу билан бирга, Технология тизимига хос турли тўғараклар йўналишлардаги технологияларга оид ишловларда қўлланиладиган мосламалар конструкциялар, уларни қўлланиш технологияларини ҳамда бошқа кўрсаткичларини белгилаб беради. Шунда ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатининг ҳар хил турларига жалб қилишда қайд этилган сохалардаги мосламалар албатта уларнинг қизиқишлари ва мойилликлари, уларнинг табақали ўвитиш бўйича танлаган сохаларидаги мосламалар ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок этишлари учун ҳафтанинг ҳар кунини ва вақтини танлаш имкониятларин кўзда тутиш зарур. Бундан ташқари ушбу ишлаб чиқариш меҳнатини машғулотлардан бўш вақтларида мажбурий ишлаб чиқариш меҳнати сифатида ташкил қилмасликни назарда тутиш лозим.

### **ХУЛОСА**

Бўлажак технологик таълим фани ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятини тубдан ислох қилиш ва касбий компетентлигини ошириш, уларга қўйилган талаблар, ўқувчиларнинг технологик билим ва кўникмаларнинг шакллантиришда мосламаларнинг ўрни муҳимдир. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, технологик таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини модернизациялаш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини шакллантиришнинг асосий мақсадини белгилайди. Технология таълими бўйича таълим олган мактаб битирувчиси давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ равишда замонавий ишлаб чиқаришга тайёр бўлиши, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллашга бошланғич тайёргарликка эга бўлиши лозим.



### АДАБИЁТЛАР:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. - Т.:Маънавият, 1998.
2. Абдуллаева К.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дис. ... пед. фан.ном. -Т.:
3. Муслимов Н.А., Абдуллаева К.М., Мирсолиева М., «Педагогик маҳорат» фанидан ўқув-методик мажмуа. //Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: «Фан технологиялари», 2011. 322 б
4. Муслимов Н.А., Гаипова Н., Халилова Н., «Умумий психология» фанидан ўқув методик мажмуа. //Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: «Фан ва технологиялари», 2011.
5. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчининг педагогик тизимда тутган ўрни //Халқ таълими. - Тошкент, 1993. - № 6-7. - Б. 9-12.
9. Жўраев Р.Ҳ Толипов Ў. Педагогик фаолият,технологиялар ва маҳорат. Узлуксиз таълим. 2003 й.
10. Тхоржевский Д.А. Меҳнат таълими методикаси. – Т. “Ўқитувчи”, 1997 й.
11. Турғунбоева А.Ғ. Психологические особенности формирования социальной перцепции у будущих педагогов. Тошкент. “Ўқитувчи”, 2020 г.